

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MADANIYAT VA SPORT
ISHLARI VAZIRINING
BUYRUGI

221 Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2362*

(2012 йил 24 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 августдаги ПҚ–1608-сон «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Т. ҚЎЗИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 6 апрель,
345-сон

Ўзбекистон Республикаси
маданият ва спорт ишлари вазирининг
2012 йил 6 апрелдаги 345-сон буйруғига
ИЛОВА

**Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар
ихтисослаштирилган республика олимпия захираси
спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида
танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 августдаги ПҚ–1608-сон «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабига (бундан буён матнда Бадий гимнастика мактаби деб юритилади) конкурс асосида танлаб олиш, қабул қилиш ва ундан четлатиш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Бадий гимнастика мактабига ўқувчи-спортчилар гимнастика клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, бадий гимнастика билан шуғулланишда зарур спорт кўникмасига ҳамда юқори даражадаги спортчининг тегишли салоҳиятига эга бўлган иқтидорли болалар орасидан қабул қилинади.

2. Бадий гимнастика мактабида ўқиш муддати 5 йил ва ўқувчи-спортчилар умумий контингенти 60 нафар бўлиб, қоидага кўра, ҳар йили 12 нафар иқтидорли ўқувчи-спортчилар 10 ёшдан қабул қилинади.

3. Бадий гимнастика мактабида ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш ишларини ташкиллаштириш учун мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ таркибда қабул комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) ташкил этилади.

4. Бадий гимнастика мактабига ўқувчи-спортчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш, уларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилишни юқори даражада уюшқоқлик билан, тартибли равишда ташкил этиш, конкурс жараёнини холисона ва адолатли ўтишини таъминлаш, ўқувчи-спортчиларга уларнинг конкурс жараёнидаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, конкурс ўтказиш билан боғлиқ барча зарур шароитларни яратиш ҳамда конкурс натижалари бўйича ўқувчи-спортчилар ва уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га тўлиқ маълумотлар бериш, шунингдек мурожаатларни кўриб чиқиш Комиссиянинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Комиссияга юклатилган барча вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун жавобгарлик Комиссиянинг раиси ва масъул котиби зиммасига юклатилади.

II боб. Хужжатларни қабул қилиш

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон гимнастика федерацияси (бундан буён матнда Федерация деб юритилади) томонидан конкурсни сифатли ташкил этиш ва қабул қилиш мақсадида Бадий гимнастика мактабига хужжатларни қабул қилиш бошланишидан камида 2 ой олдин оммавий ахборот воситаларида ушбу мактабга хужжатларни қабул қилиш, конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш шартлари, шунингдек уни ўтказишнинг муддатлари, тартиби ҳамда ўқувчи-спортчиларга қўйиладиган умумий (спортчининг ҳар томонлама (гармоник равишда) ривожланганлик даражаси) ва махсус жисмоний тайёргарлик (спортчининг асосий равишда доимий шуғулланадиган маълум бир спорт тури) талаблари тўғрисида эълон берилади.

6. Бадий гимнастика мактабида ўқиш истагини билдирган ўқувчи-спортчиларнинг хужжатлари 1 августдан 10 августгача (шу куни ҳам) Комиссия томонидан қабул қилинади.

7. Конкурсада иштирок этиш учун Комиссияга ўқувчи-спортчиларнинг қўйидаги хужжатлари тақдим этилади:

ўқувчи-спортчининг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) номидан Бадий гимнастика мактаби директори номига ушбу мактабга ўқувчи-спортчини қабул қилиш ҳақидаги ариза;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва унинг нусхаси (асл нусхаси қабул комиссияси томонидан хужжатларни қабул қилиш вақтида қайтарилади);

026-У, 063-У ва 086-У шакллар бўйича тиббий маълумотномалар;

3,5 x 4,5 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;

ўқувчи-спортчининг фанларни ўзлаштириши ҳақидаги ўзлаштириш табелининг нусхаси;

яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан маълумотнома;

ўқувчи-спортчининг психологик-педагогик диагностика дафтари (умумтаълим муассасаси психологи ёки директор ва синф раҳбари томонидан берилган тавсифнома).

8. Комиссия ўқувчи-спортчиларнинг тегишли хужжатларини қабул қилиб олганлиги тўғрисида уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га белгиланган шаклда тилхат беради.

9. Бадий гимнастика мактабида қабул қилинадиган хужжатлар ва ўтказиладиган конкурс юзасидан тушунтириш ва маслаҳатлар бериш Комиссия томонидан тасдиқланадиган жадвал асосида амалга оширилади.

III боб. Конкурс асосида танлаб олиш ишларини ўтказиш ва қабул қилиш

10. Ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш Вазирлик томонидан Федерация билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик талаблари бўйича ўтказилади.

11. Бадий гимнастика мактабига конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш 20 ва 21 август кунлари ўтказилади.

12. Конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш ўқувчи-спортчининг умумтаълим муассасасида таълим олган тилида ўтказилади.

13. Конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш 100 баллик тизимда (умумий жисмоний тайёргарлик 30 балл, махсус жисмоний тайёргарлик 70 балл) баҳоланади.

Бунда конкурсда қатнашган ўқувчи-спортчиларнинг баллари тенг бўлиб қолган ҳолларда умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик талаблари бўйича қўшимча синов ўтказилади.

14. Конкурснинг якуний натижалари конкурс тугаган куннинг эртанги кунидан кечиктирилмасдан Комиссия томонидан тасдиқланган ҳолда Бадий гимнастика мактабининг эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

15. Конкурстан муваффақиятли ўтган ўқувчи-спортчилар конкурс ўтказилган йилнинг 25 августига қадар Комиссия қарорига мувофиқ Бадий гимнастика мактабига ушбу мактаб директори буйруғи асосида қабул қилинади.

Конкурстан ўтмаган ўқувчи-спортчиларга тегишли бўлган ҳужжатлар уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га қайтариб берилади.

16. Бадий гимнастика мактабига қабул қилинган ўқувчи-спортчиларнинг таълим олиши Бадий гимнастика мактабига яқин атрофдаги умумтаълим муассасаларида умумтаълим дастурлари бўйича амалга оширилади.

IV боб. Ўқувчи-спортчиларни Бадий гимнастика мактабидан четлатиш ва бўш ўринларга қабул қилиш

17. Бадий гимнастика мактабида тегишли тиббиёт муассасаларининг хулосаси асосида соғлиғининг ҳолатига кўра ўқишни давом эттира олмайдиган ўқувчи-спортчилар ёки ихтисослик бўйича белгиланган талабларни бажармаган ёхуд Бадий гимнастика мактабининг уставида белгиланган ички тартиб-қоидаларни мунтазам равишда бузувчи ўқувчи-спортчилар мураббийлар кенгаши қарорига кўра директор буйруғи билан ўқувчи-спортчилар каторидан четлаштирилади ва уларнинг ҳужжатлари ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га қайтарилиб, ушбу ўқувчи-спортчилар аввал ўқиган умумтаълим муассасасига юборилади (ўқувчи-спортчининг яшаш жойи ўзгарган бўлса тегишли ҳудуддаги бошқа умумтаълим муассасасига).

18. Бадий гимнастика мактабида конкурс ўтказилган ўқув йилининг биринчи ярим йили давомида бўшаб қолган ўринларга конкурсда иштирок

этиб, белгиланган квота бўйича қабул қилинган ўқувчи-спортчилардан баллар рейтинги бўйича камайиб борувчи кетма-кетликдаги кейинги ўқувчи-спортчилар мазкур Низомнинг 7-бандида белгиланган ҳужжатларга мувофиқ қабул қилинади.

19. Бадий гимнастика мактабида конкурс ўтказилган ўқув йилининг иккинчи ярим йиллиги ва ундан кейинги ўқув йилларида бўшаб қолган ўринларни тўлдириш навбатдан ташқари ўтказиладиган конкурс асосида амалга оширилади.

Бунда навбатдан ташқари ўтказиладиган конкурс ишларини ташкиллаштириш учун мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ таркибда Комиссия навбатдан ташқари чақирилади ҳамда Вазирлик ва Федерация томонидан Бадий гимнастика мактабига ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан 10 кун олдин оммавий ахборот воситаларида ушбу мактабдаги бўш ўринларга тегишли ҳужжатларни қабул қилиш, конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш шартлари, шунингдек уни ўтказишнинг муддатлари, тартиби ҳамда ўқувчи-спортчиларга қўйиладиган умумий (спортчининг ҳар томонлама (гармоник равишда) ривожланганлик даражаси) ва махсус жисмоний тайёргарлик (спортчининг асосий равишда доимий шуғулланадиган маълум бир спорт тури) талаблари тўғрисида эълон берилади.

20. Ўқувчи-спортчиларнинг ҳужжатлари эълон берилган кундан эътиборан 10 кун ўтганидан сўнг ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандларига мувофиқ 5 кун давомида Комиссия томонидан қабул қилинади.

21. Бадий гимнастика мактабидаги бўш ўринларга ўқувчи-спортчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш тугаган кундан бошлаб 2 кун ўтгандан сўнг конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш мазкур Низомнинг 10, 12 ва 13-бандларига мувофиқ ўтказилади.

22. Конкурстан муваффақиятли ўтган ўқувчи-спортчилар конкурс натижалари эълон қилинган куннинг эртанги кунидан кечиктирилмасдан Комиссия қарорига мувофиқ Бадий гимнастика мактабига ушбу мактаб директори буйруғи асосида қабул қилинади.

Навбатдан ташқари ўтказилган конкурстан ўтмаган ўқувчи-спортчиларга тегишли бўлган ҳужжатлар уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га қайтариб берилади.

V боб. Яқуний қоидалар

23. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

24. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Гимнастика федерацияси билан келишилган.

Халқ таълими вазири

Т. ШИРИНОВ

2012 йил 28 март

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

А. ИКРАМОВ

2012 йил 28 март

*Ўзбекистон Гимнастика
федерацияси Бош қотиби*

Г. ФИЛИПОВА

2012 йил 28 март

Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Қабул комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | | |
|-----------------------------------|---|---|
| Қабул комиссияси раиси | — | Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби директори |
| Қабул комиссияси раиси ўринбосари | — | Ўзбекистон Гимнастика федерацияси Бош қотиби |
| Қабул комиссияси масъул қотиби | — | Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари |
| Қабул комиссияси аъзолари: | — | Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи ўринбосари;
Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Олимпия ва спорт захиралари бошқармаси бошлиғи ўринбосари;
Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича бош мураббийи;
Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби бадий гимнастика бўйича мураббийи;
Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби мураббийлари ва шифокори. |